
"Биз – экстремизм ва терроризмга қаршимиз!"

Бугун Бағдод туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабида юқоридаги мавзуда маънавий-маърифий тадбир ташкилланди. Унда туман ҳокими ўринбосари Қаҳрамон Миртазақулов, Дин ишлари қўмитасининг тумандаги вакили Отабек Мадаминов ҳамда Маънавият ва маърифат маркази туман бўлинмаси бош мутахассиси Олимжон Хатамов иштирок этди.

Экстремизмнинг тарқалиши ҳамда ёшларнинг радикаллашувига йўл қўймасликда тарғибот-ташвиқот ишларининг ўрни беқиёс. Асосан юқори синфлар ўқувчилари билан ўтказилган шу кунги давра суҳбатида маърузачилар огоҳлик - давр талаби экани, илм-фан ривожига ахборот алмашинувида ижтимоий тармоқлардан тўғри ва самарали фойдаланиш зарурлиги ҳақида тушунчалар беришди.

Тадбир иштирокчилари "Биз – экстремизм ва терроризмга қаршимиз!" мавзусида тайёрланган фотоқўргазмадан ўзлари учун керакли хулосалар олишди.

2023-10-05 17:09:53